

يَذَخَفُ يَلْعَهُ سَأْرُ عَصَاوٍ مَلَسَ وَهَيْلَعُهُ لَلِإِيْلَصِ هَلَلِإِلْ لُؤْسَرَوْرُكَبٍ وَبَأَسَانِ لَأَوِ مَلَسَ وَهَيْلَعُهُ لَلِإِيْلَصِ هَلَلِإِلْ لُؤْسَرَتَسَبَحٍ: لَأَقَفَ، أَمَّانُ دَقَّ
 أَمَّ لَأَقَوْرُكَبٍ وَبَأَسَانِ يَنْبَتَاعَفُ: تَلَأَقُ، أَمَّ مَعَمَّ سَيْلِ وَءَامَ يَلْعَ أَوْسَيْلِ وَنَمَّ يَنْعَنْ مَيِّ أَلَفٍ، يَتَرَصَّاحُ يَفِ وَدَيِّ بُنْغَطِي لَعَجَّ وَ، لُؤُقَيِّ نَأْ هَلَلِإِلْ ءَأَشَمَّانَفٍ، يَذَخَفُ يَلْعَهُ مَلَسَ وَهَيْلَعُهُ لَلِإِيْلَصِ هَلَلِإِلْ لُؤْسَرَرُنْ أَكَمَّ أَلِإِ كُرَّحَتِ لَلِ
 لَزْنَأَفٍ، أَمَّ رِيغَ يَلْعَهُ حَبْصَأً يَتَحَمَّلَسَ وَهَيْلَعُهُ لَلِإِيْلَصِ هَلَلِإِلْ لُؤْسَرَدَحَأُ وَهَوْرِي ضُحُنُ بَدَيْسُ أَلَأَقِ. أَبِّي طَأْدِي عَصَاوٍ مَمَّ يَتَفَفَّ مَمَّ يَتَلِإِيْلَ هَلَلِإِلْ
 ةَشَائِعُ تَلَأَقَفَ يَرْكَبُ يَبَأَلِإِي أَيُّ مُمَكَّتْ كَرَبِ لِّوَأَبِ يَهْ أَمَّ: ءَأَبَقُنْ لَلِ
 هَتَحَتَ دَقْعُ لَلِإِنْدَجَ وَفِ هَيْلَعُهُ تَنْكُ يَدُّ لَأَرِيغَبِ لَلِإِنْتَعَبَفِ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга у зотнинг сафарларидан бирига чиқдик. Байдаа ёки Зотул Жайшда эканимизда мунчоғим узилиб кетди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уни ахтариш учун туриб қолдилар. Одамлар ҳам у зот билан бирга тўхташди. Одамлар сув ёқасида эмас эдилар, ўзлари билан сувлари ҳам йўқ эди. Одамлар Абу Бакрнинг олдига келиб:

«Оишанинг нима қилганини кўрмайсанми?! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни ҳам, у зот билан бирга бўлган одамларни ҳам тутиб қолди-ку! Одамлар сув ёқасида ҳам эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқ», дейишди.

Кейин Абу Бакр келди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам сонимга бошларини қўйиб ухлаб қолган эдилар. У (Абу Бакр):

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни ва одамларни ушлаб қолдинг. Улар сув ёқасида ҳам эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқ», деди.

Абу Бакр мени койиб кетди, Аллоҳ хоҳлаганича нима деса деди ва қўли билан биқинимга ниқтай бошлади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам сонимда эканларигина мени қимирлашдан тўсар эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ухлаб тонг оттирганларида сувсиз қолдилар. Шунда Аллоҳ «Покиза тупроқ ила таяммум қилинг», деган таяммум оятини нозил қилди.

Усайд ибн Ҳузайр (у нақиблардан бири эди):

«Бу биринчи баракангиз эмас, эй Оли Абу Бакр», деди».

Оиша айтади:

«Кейин ўзим устида бўлган туяни қўзғатган эдик, маржонни ўшанинг тагидан топдик».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

وَأَلَيْمٍ وَدُغْبَلٍ أَمْ لَإِنَّا نَعْرِضُكَ لِنَسُغْلَ أَوْ أَوْضُؤْ لَأُفْلِحَ يَوْمَ مَمِيَّتِ لَأَلِ
لِأَلِ تُوْفِي أَمْ تُوْفِي فَوْخٍ وَأَيُّ لَأَمْ دَعُ وَأَيُّ شَطَعٍ وَأَيُّ دَرَبٍ وَأَيُّ صَرَمَلِ
سَيُّؤْ لَأُرِيغَلِ عَزَانِ جُلْ أَوْ أَيْبٍ وَأَيُّ دَرَبٍ أَدِيغَلِ أَلِ صَكَ يَفَلَخِ

Сувнинг бир мил узоқда бўлиши, беморлик, совуқ, душман, чанқоқ, асбоб йўқлиги, аввалбошдан ёки давом эттириш ила ийд намози ёки валийдан бошқага жаноза намози каби ўринбосари йўқ нарсанинг ўтиб кетиши хавфи туфайли сув ишлатишдан ожиз бўлганда таяммум таҳорат ва ғуслга ўринбосар бўлади.

«Кифоя» китобидан